

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ҚУРИЛИШ ТАРМОҒИНИНГ ТАШКИЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Узоқова Умида

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти*

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришида қурилиш тармоғида фаолият олиб боровчи корхоналарда кластерни шакллантириши бу орқали қурилиш материалларини ишлаб чиқаришида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиши орқали иқтисодий самарадорликни ошириши йўллари, соҳасини ривожлантириши борасидаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиши йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** қурилиш соҳаси, қурилиш материаллари, кластер тушунчаси, ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.тежамкор ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш, бошқарув самарадорлиги, меҳнат ресурслари, корхона, ташкилот, рақобатлашган бозор, бошқарув механизми.

Кириш. Қурилиш материаллари саноатининг ривожланишида умумий қурилиш тармоғида олиб борилаётган ислохотлар ва тармоғ корхоналарининг ташкилий шакллари ва жойлашувига монанд ҳолда ривожланади. Қурилишнинг ташкилий шакллари тўғри танлаб олиниши аҳамияти иқтисодиётда мазкур соҳанинг эгаллаган ўрнидан, соҳа бажариши жоиз бўлган вазифалардан келиб чиқади. Бир томондан, қурилиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар тадбиркорлик тузилмалари сифатида иш олиб боришлари, уларнинг саъй-ҳаракатлари фойда олишга, рақобатбардошликка эришишга қаратилган бўлиши жоиз. Шу жиҳатдан, қурилиш соҳасида тадбиркорликнинг ташкилий шакллари мулк эгаларининг молиявий-иқтисодий манфаатлари ишончли ҳимоя этилишини таминлаши, корхонанинг молиявий барқарорлиги, фаолиятнинг молиявий шаффоф олиб борилиши ва тасирчан молиявий назорат учун имкон бериши зарур. Иккинчи томондан эса, қурилиш ташкилотлари (корхоналари) фаолияти натижалари истемолчилар учун жуда муҳим аҳамиятга эга ва истемолчилар ишлаб чиқариш фаолиятининг узоқ йиллик моддий базасини ташкил этгани учун хизматлар сифати бўйича масъулият ҳам узоқ йиллик бўлиши лозим.

Кўриниб турибдики, қурилиш фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг истемолчилар олдидаги масулияти узоқ муддатли характерга эга, уларнинг ташкилий шакллари ҳуқуқий расмийлаштирилишида бу ҳолат, албатта, этиборга олиниши керак. Қурилиш амалга оширилишида унга дахлдор иқтисодий субъектлар ўз мавқеи ва манфаатларига, масулиятга эга. Чунончи, капитал қурилишда

инвестиция жараёнининг асосий иштирокчилари бўлиб, одатда, бажарадиган вазифаларига кўра инвестор, буюртмачи, курувчи, пудратчи ва лойиҳаловчилар майдонга чиқадилар.

Ҳозирги пайтда ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак.[1]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 2021-йил 5-февралдаги “Қурилиш соҳасидаги электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш ичора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сонли қарорига асосан, оферент объектнинг қиймати ва хавф-хатар тоифасига қараб, қурилиш ташкилотларининг электрон рейтингда ижобий кўрсаткичларга эга бўлганда танловга киритилади.

Уй-жой қурилиши учун ер майдонлари аукцион орқали ажратилади. Уларни сув ва канализация тармоқларига улаш, автомобил йўл қурилиши тадбиркорлик субъектлари ҳамда республика ва маҳаллий бюджет маблағларидан молиялаштирилади. [2]

Лойиҳаловчи-буюртмачи билан тузилган шартнома асосида у ёки бу объектнинг келгусидаги қурилишини лойиҳаловчи ташкилот ёки шунга ўхшаш бошқа муассасадир. Ташкилот лойиҳанинг ва унинг асосидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг сифати учун тўлиқ жавобгар бўлади. Буюртмачи лойиҳада кўзда тутилган ечимларга риоя қилинишини назорат қилиш учун муаллифлик назорати ўрнатади.

Танловда ягона оферент (талабгор) иштирок этганда ёки бирорта ҳам оферент иштирок этмаганда, харид комиссияси танловга кириш учун оферентларга нисбатан қўйилган электрон рейтинг баҳони пасайтириш ҳуқуқига эга.

Ўз навбатида, мамлакатнинг инвестицион жозибadorлиги қурилиш жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ортади ва киритилаётган инвестициялар ҳажмининг кенгайиб боришини ифодалайди. Демак, қурилиш соҳасининг ривожланиши инвестициялар ҳажмининг тобора ортиб бориши билан бирга юз бермоқда. Қурилиш соҳасида молиявий инвестициялар реал инвестицияларга айланади ва соҳа бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашнинг ўзига хос драйвери ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги кунда иқтисодиёт турли мулкчилик шаклларини асосланган ҳолда ривожланиш йўлидан бормоқда. Шу жумладан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати ҳам қаторига киради. Ўз навбатида ишлаб чиқаришни модернизациялашни, техник ва технологик қайта таъминлашни

бошқариш тизимини такомиллаштириб боришни талаб этади. Демак, нафақат уларни шакллантириш, балки такомиллаштириш ва янгилаш жараёни учун талаб этади.

Қурилишда кластер ёндашувининг мазмунини батафсил ёритиб очиш учун кластер тушунчаси эволюциясини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ. Минтақавий иқтисодий тармоқларини кластерлаштириш назариясининг шаклланиши М. Портер асарлари билан чамбарчас боғлиқдир. М. Портер нафақат алоҳида компаниялар, балки бутун тармоқлар, минтақалар ва мамлакатлар учун рақобатбардошликни таъминловчи омиллари ўрганади. Ушбу компаниялар ўз унумдорлик кўрсаткичлари бўйича рақобатлашадилар. М. Портер таърифига кўра, кластер оралиқ тушунча бўлиб, бир ҳудудда жамланган ва ўзаро таъсирдан фойдаланадиган бир-бири билан боғлиқ компаниялар ва саноат гуруҳларини назарда тутаяди. М. Портернинг фикрича: Кластерлар – “маҳсулдорлик двигателлари” дир.[3]

С. А. Мохначев ҳамда Е. С. Мохначева: “Кластер тузилмаси турли корхоналар ва тармоқларнинг ўзаро бирлашувига асосланган тўрсимон шакл”, - деб ҳисоблайди. Муаллифлар кластер тузилмаларига таъриф беришда географик жойлашув эътибор қаратмайдилар. Кластерини тузилмаларини пировард маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотлар тўрсимон ўзаро боғланиши сифатида кўрадилар”.[4]

Америкалик иқтисодчи П. Кругманнинг сўзларига кўра: “кластерлар ихтисослашган ишчилар учун бозорнинг таркибий элементини шакллантиради, унинг самараси ишчи ходимлар ишга жойлашишида, иш берувчи субъектлар эса керакли салоҳият ва малакага эга иш кучини қўлга кирита олишида намоён бўлади”. “Кластер – бу географик жиҳатдан жамланган тегишли тармоқлардаги бир-бирига боғланган компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчи провайдерлар, тегишли соҳалардаги фирмалар, шунингдек, маълум соҳаларда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган, рақобатлашувчи, аммо шу билан биргаликда фаолият юритувчи ташкилотлардан иборатдир”.[5]

П. А. Ларионованинг фикрича: “тизимли ёндашув нуқтайи назаридан ёндашилса, кластер – бу ўзаро муносабатлар билан бир-бирига боғланган ва натижалари бир-бирига боғлиқ бўлган, аниқ бир мақсад учун биргаликда ишлайдиган ягона ташкилий тузилишга бирлаштирилган турли соҳаларнинг иқтисодий субъектлари тўпламидир”.[6]

Минтақавий кластерлар қурилиш соҳасида ҳам, қурилиш ва бошқа тегишли тармоқлар туташган жойда ҳам шаклланиши мумкин. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, айти пайтда тармоқлараро кластерлар энг кенг тарқалган. Улар қурилиш саноатининг минтақадаги бошқа саноат тармоқлари билан яқин алоқалари натижасида шаклланган. “Харидорлар ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар қиймат занжири бо‘йлаб бирлашмоқдалар ва о‘заро ҳамкорликни чуқурлаштириш билан биргаликда синергетик самара яратиш имкониятини акс эттиради. Улар орасидаги чамбарчас боғ‘лиқлик саноат тармоқлари кесишмасида

кластер тузилмаларини шакллантириш учун шароит яратади. Минтақавий иқтисодийда кластер тузилмаларини аниқлаш ва таҳлил қилишда қурилиш мажмуасини кластерлаштиришга тармоқлараро ёндашув энг кенг тарқалган”. [7]

Қурилиш материаллари саноатида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ва тармоқда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида ҳосил бўлган ўзаро корреляцион боғланиш графиги тўғри чизикқа яқин бўлиб, мазкур боғланиш кучини биз қуйидаги корреляция коэффицентини ҳисоблаш йўли орқали аниқлашимиз мумкин. [8]

Мустақиллик йилларида, айниқса, сўнгги йилларда қурилиш материаллари саноати нафақат иқтисодий инқироз даврида йўқотилган ишлаб чиқариш ҳажмини тиклади, балки материалларни қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи, қўллаш учун тайёр маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқарувчи бир қатор корхоналар ва ишлаб чиқаришдан таркибтопган мустақил, қудратли кўп тармоқли мажмуага айланди. Корхоналарда замонавий менежмент ва кадрлар салоҳияти шаклланган ҳамда мулкчиликнинг акциядорлик шакли яъни, бошқарув тизими устунлик қилмоқда. [9]

Одатда, қурилатган объектнинг эгаси қурилиш бўлаётган ер майдонига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахсдир. У ер эгаси ҳисобланади. Баъзи ҳолларда ер майдонидан ижара шартлар асосида фойдаланувчи ҳам буюртмачи бўлиши мумкин. Пудратчи (бош пудратчи) пудрат шартномаси ёки контракт асосида объект қурилишини амалга ошираётган қурилиш фирмасидир. Бош пудратчи қурилиш натижалари учун шартнома шартларига мувофиқ равишда буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар. У зарур ҳолларда айрим турдаги ишларни бажариш учун қуйи пудрат ташкилотларини жалб қилади. [10]

Инвестор қурилиш маҳсулотининг буюртмачиси, кредитори, харидори бўлиши, шунингдек, бевосита қурувчи функциясини бажариши ҳам мумкин. Буюртмачи техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишдан бошлаб, объектни фойдаланишга топшириш ёки уни ишлаб чиқариш қувватига чиқишигача бўлган муддатда объект қурилишининг ташкилотчиси ва бошқарувчиси функцияларини қабул қилган ҳуқуқий ёки жисмоний шахсдир.

Тадқиқот методологияси. Мақолада электр энергетика тармоғини тартибга солишда олиб борилган ислоҳотларни қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Қурилиш ишлаб чиқариши жараёни турли шакл ва усулларда ташкил қилиниши мумкин бўлиб, пудрат ва хўжалик усули, объектларни “кулф-калит” қилиб топшириш ва сотиш шулар жумласидандир. Пудрат усулида қурилиш мунтазам ишлаб турувчи қурилиш ташкилотлари (фирмалари) томонидан буюртмачилар билан тузилган шартномалар доирасида амалга оширилади. Бу қурилишнинг асосий ва энг кенг тарқалган усулидир. Бугунги кунда капитал қурилиш

соҳасидаги барча ишларнинг тахминан 80 фоизи шу усулда бажарилади. Бунинг учун “Капитал қурилиш пудрат шартномаси” асос бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик усулида эса, объектлар қурилиши ёки қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш ишлари хўжалик субъектлари – корхоналар, ташкилотлар, институтлар ва шу кабиларнинг куч ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бу усулда кўпинча корхоналарни қайта таъмирлаш ва кенгайтириш, кичикроқ қурилиш объектлари, худудлар ва хоналарни ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда топширишда буюртмачининг функциялари бош пудратчига берилиши, у қурилишни бошидан бошлаши ва объектни буюртмачига узил-кесил тугалланган ҳолатда топшириши лозим. Қурилишнинг бундай усули (“қулф-калит”гача) уй-жой қурилишида жуда кенг тарқалган.

Танловлар – иқтисодиётда бозор муносабатлари шаклланиши туфайли вужудга келиб ўзини оқамокда, бунда буюртмачи бирор объектни қуриш ёки лойиҳалаш, асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича танлов эълон қилаётганлигини очиқ ёки ёпик шаклда хабардор қилади ва ҳоҳловчилар шу танловда иштироқ этадилар. Бунда махсус ҳужжат тайёрланади ва унда танловнинг асосий ғояси ва шартлари кўрсатилади. Бундай ҳужжатлар мажмуаси “тендер” деб аталади.

Маълумки, инвестор инвестиция натижаларини тасарруф қилиш учун тўлиқ юридик ҳуқуқларга эга бўлади. У инвестицияларни (капитал қўйилмаларни) жалб қилиш шаклини, қурилиш контрактлар шартларини белгилайди, инвестиция жараёни иштирокчилари билан бўладиган молия-кредит муносабатларини амалга оширади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шакллардан ташқари, қурилишда ижтимоий меҳнат тақсимооти нуқтайи назаридан ихтисослашув, концентратсиялашув (мужассамлашув), кооперация каби ташкилий шакллар мавжуд. Амалиёт кўрсатмоқдаки, мазкур шаклларни моҳирлик билан қўллаш орқали ишлаб чиқариш ва капитал қўйилмалардан юқори самарадорликка эришиш мумкин. Масалан, агар ихтисослашув ва кооперация ҳаражатларнинг камайишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига имкон берса, концентратсиялашув ва комбинатсиялаш хом ашё ва материаллардан комплекс фойдаланишга ҳамда қурилиш соҳасида фан-техника тараққиёти кўламининг янада кенгайишига олиб келади.

Қурилиш индустрияси иқтисодиётнинг бошқа барча соҳалари ва тармоқлари билан ҳамоҳанг равишда, умумий инвестицион муҳитда ривожланади. Инвестиция муҳитининг яхшиланиши инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигини англатади ҳамда бунга қатор омилларнинг ишга солиниши билан эришилади (1-расм).



1-расм. Қурилиш материаллари саноатида ривожланишига таъсир этувчи инвестицион муҳит

Шу ўринда, молия бозори орқали амалга ошириладиган молиявий инвестициялардан фарқли равишда, реал инвестициялар, яъни капитал қўйилмалар қўринишида амалга ошириладиган инвестициялар назарда тутилмоқда. Мазкур маънода инвестор объект қурилишини молиялаштиришни хусусий ёки қарз маблағлар ҳисобига амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти ҳисобланади.


Қурилиш индустрияси тармоқ хусусиятларига кўра саноат қурилиши, транспорт қурилиши, уй-жой қурилиши ва бошқалардан иборат бўлади (2-расм).

Қурилиш оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, жамиятнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун зарур. Аммо қурилиш, миллий иқтисодиётнинг бир соҳаси сифатида, ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётининг фақат энг юксак поғоналаридагина, ижтимоий меҳнат тақсимооти жараёнида вужудга келади.

Сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти натижасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари юз берди. Қурилиш бино ва иншоотларни саноатда тайёрланган ҳамда тайёрлик даражаси юқори бўлган бурловчилар ва бўлаклардан йиғишдан иборат узлуксиз механизациялашган жараёнга айланмоқда.

Қурилиш соҳа жараёнининг мазмуни ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Оғир қўл меҳнатини йирик ва майда механизатсия воситаларини қўллаш билан алмаштирилмоқда. Қурувчи-монтажчиларнинг қурилиш майдончаларидаги иш бажариши индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бормоқда. Қурилиш ишлаб чиқаришининг техник жиҳозланганлик даражаси ортиб борган сари, жонли меҳнат

сарфлари камайиб, енгиллашиб боради, бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги ортади, қурилишнинг муддатлари қисқариб, унинг сифати яхшиланади.



1.3 - расм. Қурилиш материаллари саноатининг тармоқлари

Таъкидлаш лозимки, қурилишнинг қуйи ишлаб чиқариш бўғинлари баъзан саноатдаги завод ёки фабрикаларга хос ишлаб чиқариш функцияларини бажармоқда. Айнан мазкур ташкилотлар асосий қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва шу тариқа капитал қурилиш олдига қўйилган асосий фонд ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш вазифаларини биринчи бўлиб бажаради. Шу боис, қурилишнинг миллий иқтисодиётнинг бир соҳаси сифатидаги фаолиятининг кўрсаткичлари ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу соҳани бирламчи қурилиш ташкилотларининг муваффақиятларига асосланади.

Қурилиш жараёни учун тобора кучлироқ равишда хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатларга риоя қилиниши жоиз бўлган муносабатлар характерли бўлиб бормоқда. Ўзаро манфатли муносабатлар эса обектив равишда соҳанинг кластер сифатида ривожланишни тақозо этади.

Хулоса. Қурилиш материаллари саноатининг ривожланишида қурилиш тармоқ корхоналарида кластер тизимининг шаклланиши орқали ташкилотлар, буюртмачилар, лойиҳалаш муассасалари, материаллар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи корхоналарнинг фаолияти ҳаммаси қурилиш маҳсулотининг ишлаб чиқарилишига хизмат қилади. Қурилиш жараёни иштирокчиларининг бундай кўплиги меҳнат тақсимотнинг чуқурлашуви натижасидир, у ижобий самарага олиб келади. Лекин, бу қурилишнинг фарқ қилувчи жиҳати бўлибгина қолмай, балки баъзан қурилиш ишининг тўлиқ муваффақиятли бўлмаслигига сабаб ҳам бўлиши ҳам мумкин. Ушбу иштирокчиларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси ўз мажбуриятларини бажармаса, қурилиш ишлаб чиқариши мароминининг бузилиши, обектларни фойдаланишга топшириш муддатларининг кечикиши, натижада, қурилиш суръатларининг пасайишига, миқдорий ва сифат кўрсаткичларнинг ёмонлашиши содир бўлади.

Шунинг учун ҳозирги кунда капитал қурилиш соҳасида учрайдиган баъзи муаммолар, хато ва нуқсонлар фақат қурилиш ташкилотлари самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги оқибатигина эмас, балки кластер муносабатларининг ҳамкорлик мазмуни етарли эмаслигидан келиб чиқмоқда. Ушбу ҳолат инвестиция жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг турли босқич ва поғоналарида вужудга келаётган салбий ҳолатлар таъсирида ҳам вужудга келиши мумкин.

Қайд қилиш жоизки, кластерлашиш жараёни ривожланиб бориши капитал қурилишнинг ўзига туташган саноат тармоқлари фаолияти билан мутаносиблиги ҳамда тармоқлараро мутаносибликлардаги оптималлика ҳам боғлиқ. Қолаверса, қурилиш самарадорлигини оширишга, муддатларини қисқартиришга, қурилиш маҳсулоти қийматини пасайтиришга ҳам ана шу тармоқлараро мутаносибликларнинг оптималлашиб бориши ўз таъсирини кўрсатади.

Мамлакатмизда қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакат, энг аввало минтақалар ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш қаратилан бўлиб, унда инновациялар, инвестициялар, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали соҳа салоҳиятини ошириш алоҳида эътибор қаратилган. Юқоридан тилга олинган ҳуқуқий ҳужжатда соҳада мавжуд бўлган қурилиш тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги тизимли муаммолар мавжудлиги таъкидланади:

- шаҳарсозлик фаолиятини техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар сезиларли даражада эскириб қолди ҳамда архитектура-қурилиш ишларини олиб боришнинг замонавий услубларини, энергия тежамкор технологиялар ва материалларни кенг қўллаш имкониятларини инобатга олмайди;

- кўпчилик аҳоли пунктларида бош режалар мавжуд эмаслиги ёки бино ва иншоотларни қуришда уларга риоя қилинмаслиги ҳудудларда комплекс равишда қурилиш олиб бориш, ишлаб чиқариш ва инфраструктура объектларини жойлаштириш, тадбиркорлик, ишчанлик ва инвестиция фаоллигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда;

- лойиҳа-қидирув ишларининг мавжуд бозори тенденциялари кўп ҳолларда лойиҳа ишининг илғор ривожланиши, юқори технологияли, замонавий ва ўзига хос архитектура лойиҳаларини яратиш учун шарт-шароит туғдирмайди;

- шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг мукамал эмаслиги ва оқибатда ходимларни қурилиш-монтаж ишларига ноқонуний асосда (керакли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан) жалб қилиш, ўзбошимчалик билан қурилган биноларнинг кўпайиши, қурилиш ташкилотлари ходимларининг зарур билим ва малакага эга эмаслиги қурилиш тармоғининг инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда, қурилган бино ва иншоотлардан кейинчалик фойдаланишда хавфсизлик талабларининг бузилишига олиб келмоқда;



- замонавий янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги инвестиция жараёнлари иштирокчилари ва шаҳарсозлик фаолияти субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг максимал шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш имконини бермайди;

- амалий қурилиш фанининг ривожланмаганлиги, олий таълим муассасаларининг илмий ва моддий-техник салоҳияти заифлиги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш имконини бермайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, Адолат, 2020 йил 25 январь. – № 5 (1278).

2. Уй-жойлар қурилиши бўйича янги тизимни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев раислигида 22 ноябрь куни қишлоқ ва шаҳарларда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2019 йил 23 ноябрь. – № 243 (7473).

3. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. – С. 65.

4. Савельев И. А. Кластерная форма пространственной организации экономических взаимодействий // Вестник Костромского государственного университета. – Кострома, 2012. – № 4. – С. 214.

5. Ларионова Н. А. Кластерный подход в управлении конкурентоспособностью региона // Экономический вестник Ростовского экономического университета. – Ростов на Дону, 2007. – №1. – С. 182.

6. Джумаев Б. М., Мехроби И. Х. Предпосылки создания региональных промышленных кластеров в районах республиканского подчинения Таджикистана // Вестник Таджикского национального университета. Серия социально-экономических наук. – Душанбе, 2016. – № 2/4 (204). – С. 54.

7. Кащук И. В. Формирование регионального инновационно-производственного кластера в сфере производства строительной керамики // Вестник Томского государственного университета. – Томск, 2010. – №4 (12). – С. 135.

8. Уткина В.Б. Эконометрика: Учебник. 2-е изд. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2012. - 564 с

9. Мэтякубов А. Дж. Қурилиш материаллари саноати корхоналарига инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини ошириш. Монография. Т.: 2021

10. Маҳмудов Э. Х., Исаков М. Ю. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Ўқув қўлланма., – Т.: ТДИУ, 2004-б.55-56.